**Рамазонов Чори Исмоилович** - Баҳористон тумани «Ўзбекистон» қорақўл нарсилчилик ширкат хўжалиги бош чўпони, Қашқадарё вилояти

**Рахимов Хамро** - Узун тумани «Меҳроҳ» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Рахимов Чори Хуррамович** - Бойсун тумани «Бойсун» ширкат хўжалиги оилавий пудрат бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Раҳманов Нурали Курбанович** - Избоскан тумани «Машина трактор парк» давлат акциядорлик жамияти комбайн оператори, Андижон вилояти

**Раҳматова Аксунгул** - «Тахиятош дон» хиссадорлик жамияти сепараторчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Раҳмонов Очил Хужанович** - Қамаш тумани «Машина трактор парк» давлат акциядорлик жамияти комбайн оператори, Қашқадарё вилояти

**Раҳмонова Мухаббат** - Қасби тумани А.Навойи номи ширкат хўжалиги хотин-қизлар қўмитаси раиси, Қашқадарё вилояти

**Режелов Парахат Ориновеич** - Шуманай тумани «Дийханбад» ширкат хўжалиги ижарачиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ризиев Немат Рауфович** - Кармана тумани газ таъминоти бош корхонаси мутахассиси, Навоий вилояти

**Рузиматов Алишер Машарипович** - «Қишлоққош-ларгауқурилиш» очик турдаги хиссадорлик жамияти электр пайвандчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Рустамов Шухрат Кулиевич** - Вобкент тумани Ал-Бухорий номи ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Бухоро вилояти

**Рустамова Башорат Эргашевна** - «Намангангесталь» акциядорлик жамияти тўқув фабрикаси тўқувчиси, Наманган вилояти

**Саидов Бахтияр** - Урганч шаҳри «Жайхун» ташқи иқтисодий туристик ишлаб чиқариш комплекси сартароши, Хоразм вилояти

**Сайдақасимов Эркин** - Қуйи Чирчиқ тумани «3-қишлоқ» қурилиш корхонаси» очик турдаги акциядорлик жамияти хайдовчиси, Тошкент вилояти

**Саломов Рустам Хофизович** - Қизилтепа тумани «Зилола» машинарий хизмат кўрсатиш жамоа корхонаси раҳбари, Навоий вилояти

**Саматов Анорбой** - Деҳқон-фермер хўжалиқлари уюшмаси Булунғур тумани вақиллиги директори, Самарқанд вилояти

**Сатторов Ойсара Хамидовна** - Жарқўрғон тумани Н.Боймуродов номи ширкат хўжалиги биологатория мудири, Сурхондарё вилояти

**Сафаров Ахмад Ёрович** - Шофиркон тумани статистика ва консалтинг хизмати маркази бошлиғи, Бухоро вилояти

**Сафаров Мухаммади Юлдошович** - Қамаш тумани 5-деҳқончилик қурилишлари» очик хиссадорлик жамияти электрпайвандчиси, Қашқадарё вилояти

**Скрёцов Алексей Кузьмич** - «Оҳангароншифер» хиссадорлик жамияти техник ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, Тошкент вилояти

**Содиқов Хислат Сиддиқович** - Республика «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани бўлими раиси

**Содиқов Абдулазизон Абдулхамидович** - Вилоят қасаба уюшмалари кенгаши раиси, Андижон вилояти

**Солиев Каримжон**

Комилович - Поп тумани «12-автокорхона» очик турдаги хиссадорлик жамияти хайдовчиси, Наманган вилояти

**Солодовников Виталий Борисович** - Олмалик «Амофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси чилангари, Тошкент вилояти

**Сотволдиева Саодат** - Андижон шаҳар «Тозалик» кўп тармоқли хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ишчиси, Андижон вилояти

**Степанов Алексей Борисович** - «Коском» Ўзбек-Америка қўшма корхонаси Бош директори, Тошкент шаҳри

**Султанов Абдусанид** - 128-давлат акциядорлик автокорхонаси хайдовчиси, Самарқанд вилояти

**Султанов Кадам** - Урганч тумани «Кадам-Марам» фермер хўжалиги раҳбари, Хоразм вилояти

**Султанова Иzzат Султановна** - Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани бўлими раиси

**Султонова Гаваҳар Темуровна** - «Регистон-нон» жамоа корхонаси катта мутахассис-технолог, Самарқанд вилояти

**Суворов Мардон** - Нуробод тумани «Саҳоба ота» ширкат хўжалиги 2-бўлими бошқарувчиси, Самарқанд вилояти

**Тайланов Ортиқбой Абдуразақович** - Баҳмал тумани «Катортол» ширкат хўжалиги ижарачиси, Жиззах вилояти

**Ташпулатова Улмасой Мамасидқовна** - Юқори Чирчиқ тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги пиллачиси, Тошкент вилояти

**Ташходжаев Аъло Юлбарасович** - Фаргона ип-газлаша ишлаб чиқариш хиссадорлик жамияти раиси, Фаргона вилояти

**Темирова Лола Бакиевна** - Қарши шаҳар «Ойдин» жамоа корхонаси конструктор-модельери, Қашқадарё вилояти

**Тилеулиев Худойберган** - Бўзатов тумани «Эркиндар» ширкат хўжалиги бош зоотехниги, Қорақалпоғистон Республикаси

**Толонов Раваданбек** - Андижон сугорилидаган ерларда галла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институтини директори, Андижон вилояти

**Тоҳиров Абдужалил Халилович** - «Кўмир» хиссадорлик бирлашмаси «Шарғун» кўмир кони ер ости тоғ ишчилари бригадари, Сурхондарё вилояти

**Тошев Шарип Абдуллоевич** - Ромитан тумани «Нуррафшон» хўжалиги бош пудратчиси, Бухоро вилояти

**Тошкентбоев Аҳмад Бектемирович** - Мингбулок тумани «Тошкентбой» фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

**Тоштемиров Ахмадуллоевич** - Вилоят ҳрқимлиги деҳқончилик мажмуи масалалари бўйича котибияти мудири, Андижон вилояти

**Тураев Иzzатullo Нарзиёвич** - Вилоят «Маҳаллий саноат» худудий ишлаб чиқариш-савдо акциядорлик компанияси раиси, Бухоро вилояти

**Тургунова Раҳима** - Дарнара тумани Х.Худойбердиев номи жамоа хўжалиги аъзоси, Фаргона вилояти

**Турищева Валентина Васильевна** - «Энергоқурилиш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси, Тошкент вилояти

**Турсуналиева Сотти Турғуновна** - Чиноз тумани «Гулзоробод» ширкат хўжалиги пудратчиси, Тошкент вилояти

**Турсунов Шариф Кушаевич** - Шофиркон тумани М.Одилов номи жамоа хўжалиги галлчилик бўйича бош пудратчиси, Бухоро вилояти

**Турсунова Шарофат** - Урганч тумани «Янгиарик» ширкат бош хосилоти, Самарқанд вилояти

**Тўхтамухамедова Матлуба Хасановна** - Иқтисодлаштирилган акциядорлик

«Пахта Банк» республика идораси бошлиғи-бош хисобчиси

**Умарова Марғубажон Абдусаломовна** - Косонсой тумани «Шойи тўқиш» фабрикаси акциядорлик жамияти тўқувчиси, Наманган вилояти

**Усмонова Анавар Алиқулловна** - Иштихон тумани Ш.Одилов номи ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Самарқанд вилояти

**Усмонов Махмуджон Хошимович** - «Наманганмаш» хиссадорлик жамияти директори, Наманган вилояти

**Усмонова Мавлудахон** - Зомин тумани «Феруза» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Усмонова Мамлакат Шавкатовна** - «Богдоддон-маҳсулотлари» хиссадорлик жамияти лаборанти, Фаргона вилояти

**Ғазилова Халида** - «Самарқанд уй-жой қурилиш» акциядорлик жамияти бўёқчиси, Самарқанд вилояти

**Ғайзиева Бахшанд Қиёмовна** - Бухоро шаҳри «Атлас-98» хусусий ширкат раҳбари, Бухоро вилояти

**Ғайзиева Матлуба Ядгаровна** - Жондор тумани «Зарафшон» жамоа хўжалиги оилавий пудрат бошлиғи Бухоро вилояти

**Ғозилов Комил Қодирович** - «Газлитрансгазқазиб-чиқариш» бошқармаси бошлиғи, Бухоро вилояти

**Ҳазраткулов Хамракул** - Сирдарё ГРЭСи гидротехник иншоотлар цехи устаси, Сирдарё вилояти

**Хайдаров Валихан Агзамович** - «Чирчиққурилиш» очик турдаги акциядорлик жамияти дурадгорлар бригадари, Тошкент вилояти

**Хамидов Усмонжон Парпиевич** - Ўзбекистон тумани «Ганиобод» очик турдаги хиссадорлик жамияти механизатори, Фаргона вилояти

**Хамрабоев Тулаган** - Тошкент тумани С.Раҳимов номи ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Тошкент вилояти

**Хасанов Миродил Қадирович** - Марғилон шаҳар «Турон шойиси» хиссадорлик жамияти дастгоҳ оператори, Фаргона вилояти

# МАМЛАКАТИМИЗ УЛКАН САЛОҲИЯТИНИНГ ЯНА БИР НАМОЙИШИ

(Боши 1-бетда)

ишларнинг қиймати 27 миллиард сўмликдан ортиб кетди. Уларга қозонистонлик ва киргизистонлик туннел курувчилар яқиндан ёрдам беришди. Шу маънода қайта таъмирланган йўлни ва туннелларни самарали ҳамкорлик натижаси дейиш ҳам мумкин.

Мамлакатимиз Президентининг журналистлар билан мулоқотда лойиҳачиларимиз энди мана шу довлардан бошланиб Нукус ва Кўнғирот шаҳарларига борадиган замонавий автобан қуриш лойиҳаси устида иш олиб бораётганини айтди. Тошкентдан Ўшгача борадиган йўлнинг сифати ҳам жаҳон андозаларига етказилишини таъкидлади.

Оммавий ахборот воситалари мухбирларининг террорчиликка қарши кураш масаласидаги саволига жавоб берар экан, Президент Ислоҳ Каримов террорчилар билан ҳеч қандай музокаралар олиб борилмаслигини



алоҳида таъкидлади. Босқинчилар билан музокара олиб борилмайди, агар тақдир бўлмаса, аёвсиз қириб ташланади. Террорчиларга ҳар қандай ён босиш янги террор ҳаракатларига замин яратиб беришини жаҳон таърибаси кўрсатиб турибди.

Президент Ислоҳ Каримов яқинда Хитой Халқ Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида имзоланган ҳарбий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага юксак баҳо берди. Хитой томонининг Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг террорчи-

ликка қарши олиб бораётган кураши қўллаб-қувватлаб берган баёноти катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Террорчиларнинг ватани ва миллати йўқ, деб таъкидлади Президент Ислоҳ Каримов. Шундай экан, дунё давлатлари терроризмининг

ҳар қандай кўринишига қарши курашда яқдил бўлиши лозим. Бу курашда ўзаро ёрдамнинг катта-кичиги бўлмайди, муҳими, ёнингда дўсту ҳамкор турганини ҳис қилишдир.

Шундай қилиб, Қамчиқ ва Резак туннелларининг ишга тушиши мамлакатимизда транспорт коммуникацияси тизимининг юксалиши учун катта имкониятлар очди. Одамларни, халқларни бир-бирига боғлайдиган йўл янада яқинроқ, янада хавфсизроқ бўлиб қолди. Энг муҳими, халқаро андозалар даражасида қурилган бу йўл мамлакатимиз ва халқимизнинг улкан салоҳияти ҳамда имкониятларини яна бир бор ёрқин намоён этди. Президентимизнинг йўлсозларга йўллаган табригида айтилганидек, бу улкан қурилиш мамлакатимиз тарихида унутилмас саҳифа бўлиб қолади.

Мусулмон НАМОЗ,  
ЎЗА мухбири

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти

Ислоҳ Каримов

Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислоҳ Абдуғаниевич,  
Ўзбекистон Республикасининг  
миллий байрами - Мустақиллик кўни  
муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли шериклик муносабатлари ишонч, бир-бирларининг манфаатларини ҳурмат қилиш ва чинакам тенгликдан иборат мустақам асосда тез суъратлар билан ривожланиб бораётганлигидан мамнунман.

Ишончим комилки, ўртамуздаги мавжуд ҳамжиҳатлик ва аниқ-равшан масалалар бўйича эришилган аҳдлашувлар Россия-Ўзбекистон ҳамкорлигини ривожлантиришга янги омил бағишлайди, халқаро терроризм ва экстремизмнинг ҳар қандай кўринишларига қатъиян қаршилик кўрсатишда биргаликдаги куч-ғайратларни фаоллаштиришга, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлашга қўмақлашади.

Қардош Ўзбекистон халқига, мухтарам Ислоҳ Абдуғаниевич, шахсан Сизга омонлик ва муваффақиятлар тилайман.

Эҳтиром ила,  
Владимир ПУТИН,  
Россия Федерацияси  
Президенти

Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти

Ислоҳ Каримов

Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан Хитой ҳукумати ва Хитой халқи номидан, шунингдек шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон халқига самимий қутловлар ҳамда эзгу тиллар билан йўллайман.

Бизни шу нарса астойдил шодлантирмақдаки, мамлакатингиз мустақиллиги эълон қилингандан кейин ўтган тўққиз йил мобайнида Ўзбекистон халқи Сизнинг раҳбарлигинида ўз давлат қурилиши ҳамда ташқи муносабатларни кенгайтириш соҳасида қувонарли муваффақиятларга эришди, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш ишида муҳим рол ўйнади. Мамлакатингизнинг халқаро майдондаги мавқеи ва таъсири сезиларли даражада ошди. Биз мамлакатингизнинг ўз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга, шунингдек иқтисодиётни юксалтиришга ва халқ турмушини яхшилашга қаратилган саяё-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз.

Ўтган йилнинг ноябрида Хитойга қилган таширингиз вақтидаги учрашувида ва шу йилнинг июл ойида Душанбеда ўтказилган кейинги учрашувда эришилган ҳамжиҳатлик икки мамлакат муносабатларини ва турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга янги ҳаётбахш куч бўлиб қўшилди. Икки томон ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч даражаси мутасил юксалиб бораётганлиги мени фойат мамнун этмоқда. Янги асрада мен Сиз билан биргаликда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни узоқ давр мобайнида соғлом ва барқарор ривожлантиришни таъминлашга тинимсиз куч-ғайрат сарфлашга тайёрман.

Мамлакатингизга равақ ва халқ-

ингизга бахт-саодат тилайман.  
Сиз, Жаноби Олийларига мустақам соғлиқ ва олижаноб фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Цзян ЦЗЭМИНЬ,  
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти

Ислоҳ Каримов

Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,  
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кўни муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни йўллайман ҳамда бардавон ривож ва тараққиёт тилайман.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон тарихий ва аънавий самимий муносабатлар боғлаб туради. Сиз Жаноби Олийларининг яқинда Ҳиндистонга буюрган таширингиз мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамфикрлик ҳамда минтақада хавфсизлик ва барқарорликни янада мустақамлаш ишига ижобий ҳисса қўшди.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустақам соғлиқ ва Ўзбекистон Республикасининг дўстона халқига равақ тилаб, энг эзгу истакларимни йўллайман.

Кочерил РАМАН НАРАЯНАН,  
Ҳиндистон Республикаси  
Президенти

Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти

Ислоҳ Каримов

Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,  
Индонезия Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кўни муносабати билан Сизга самимий қутловлар ва эзгу истакларимизни йўллаш менга эзру мамнуният бахш этади.

Самимий муносабатларимизни кенгайтиб бораётганини мамнуният билан таъкидлаган ҳолда, ушбу яхши алоқалар бундан кейин ҳам халқларимизнинг ўзаро манфаати йўлида мустақамлашиб боришига умид қиламан.

Жаноби Олийлари, Сизга чуқур эҳтиромимни изҳор этаман ва сийҳат-саломатлик, бахт-саодат тилайман.

Абдурахмон ВОХИД,  
Индонезия Республикаси  
Президенти

Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти

Ислоҳ Каримов

Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари,  
Азиз қардошим,  
Дўст ва қардош Ўзбекистон Мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан Сиз Зоти Олийларини ва Сиз орқали бутун ўзбек халқини самимий қутлайман.

Ўтган тўққиз йиллик давр ичида Ўзбекистон катта муваффақиятларга эришди. Бу қисқа вақт ичида мамлакатингизнинг обрў-эътибор қозонгани ҳамда Сизнинг раҳбарлигингизда тараққиёт сари илғор қадамлар қўётганини кўришдан беҳад мамнунман.


Келажакда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар даражаси юксалиши ҳамда ҳамкорлик имкониятлари янада ортишига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Зоти Олийларига соғлиқ, бахт-саодат, ўзбек халқига фаровонлик ва омонлик тилаб, энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Аҳмет Неждет СЕЗЕР,  
Туркия Жумҳурияти Президентини

# ЯНГИ ИНШОТЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

Ўзбеклар тўйга тўёна билан боради. Халқимизнинг юзлаб йиллар давомида шаклланган бу ажойиб одати замирида юртин янада обод қилиш, мамлакатнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўиши истаги ётади. Истиқлол йилларида бу аънава янги-ча кўриниш, янги-ча мазмун касб этди. Ҳар йили Ватанимиз мустақиллигининг навбатдаги санаси тантанали нишонланиши арафасида янги иншоотлар, корхоналар, хиббонлар, ўқув даргоҳларини фойдаланишга топшириш аънаваси байрам тантаналарининг узвий қисмига айланиб қолди.



Бу йил ҳам Истиқлол байрами арафасида мамлакатимизда кўплаб ана шундай янги иншоотлар қад ростлади. 29 август кўни мамлакатимиз Президентининг Ислоҳ Каримов пойтахтимизда қуриб битказилган ана шундай янги иншоотларнинг айримлари билан танишди.

Дастлаб мамлакатимиз раҳбари пойтахтнинг Аҳмад Дониш кўчасида бунёд этилган янги замонавий кўприкни бориб кўрди.

Бир вақтлар бундай йирик кўприкни бунёд этиш учун йиллаб вақт кетарди. Бироқ энг замонавий қурилиш усуллари ва техникасидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилаётгани боис энди юртимизда маҳобатли иншоотлар жуда қисқа муддатларда қад рост-

ламоқда. Бунда пойтахт курувчиларининг анча тажриба тўлагани ҳам кўл келаёттир. Янги кўприк қурилишида ҳам аввал тўпланган бой тажрибадан унумли фойдаланилди, замонавий услуб ва технология қўлланилди.

Умумий узунлиги 1151 метр бўлган янги кўприк пойтахтнинг уч туманини ўзаро боғлайди. Унда икки йўналишда бир йўла олти қаторда автомобиль ҳаракат қилиши мумкин. Мазкур кўприкнинг қурилиши Аҳмад Дониш, Уста Ширин, Мискин, Ҳусниддин Асомов номидаги кўчаларда транспорт қатновини тубдан яхшилаш имконини беради.

Кўприк билан танишув чоғида Ислоҳ Каримов аҳолининг узогини яқин қиладиган мазкур иншо-

отнинг қурилиши муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади. Чунки шаҳар аҳолиси кўпайиб, майдони ҳам кенгаймоқда.

Ислоҳ Каримов «Ўзқўрғазмасавдо» биносини кўздан кечириш пайтида, собиқ «Алломиш» спорт саройининг

миллий меъморчилигини аънавалари асосида тубдан таъмирланиши унинг бутунлай ўзгача қиёфа касб этишига сабаб бўлганлигини қайд этди. Бино саккиз метргача кенгайтирилиб, айвонига 14 метрлик устунлар ўрнатилди. Иншоот қурилишида маҳаллий бинокорлик материалларидан кенг фойдаланилди.

Мамлакатимиз раҳбари «Ўзқўрғазмасавдо» Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқиши учун дарвоза воситасини ўтатиш лозимлигини таъкидлади.

Бугунги кунда биз ўз маҳсулотларимизни хорижий ҳамкорларга тақдир қилишда оқсаялмиз, - деди Президент. - «Ўзқўрғазмасавдо» мазкур камчиликни бартарф этишга хизмат қилиши керак.

Эътиборга молик томони - Мустақиллик байрами кўни бу ерда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг илк кўрғазмаси очилди.

Шу кун Президент Ислоҳ Каримов Республика Божхона қўмитасининг янги биносини ҳам бориб кўрди.

Анвар КАРИМОВ,  
ЎЗА мухбири

# ФАРМОНГА ШАРҲ

Мухтарам Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг гоёси ва ташаббуси билан таъсис этилаётган Жалолиддин Мангуберди ордени Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий мукофотиридир. У буюк аждодимиз - халқимизнинг мард ва жасур ўғлонини номи билан аталаётгани беҳиз эмас.

Бу орденнинг бугунги кунда - Ватан сарҳадларини ҳимоя этиш, эл-юрт тинчлиги, мамлакатимиз мустақиллигини кўз қорачиғида асраш ҳар бир ватандошимизнинг вийдоний бурчиға айланаётган бир пайтда таъсис қилинаётганида ҳам теран маъно бор.

Жалолиддин Мангуберди Ватан ҳимояси йўлида ўзини қутаётган қисмат - шафқатсиз ўлимни олдиндан билатуриб, ёв қаршида бўйин эгмаган жасур саркарда ва давлат арбоби, халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган миллий қаҳрамонимиздир.

Эл-юрт тинчлиги, Ватан мустақиллиги учун умрининг бир кўни ёки бир йилни эмас, бутун ҳаётини бағишлаган, ана шу тақдирга тайёр бўлган, ватанпарварлик ва қаҳрамонликни ҳаётининг маъно-мазмунига айлантирган Жалолиддин Мангубердидек улуг инсон, шижоатли саркарда башарият тарихида камдан-кам учрайди.

Жалолиддин Мангубердининг босқинчи ёв билан курашда халқни бирлаштиришга интилиши, бутун дунёга даҳшат солган Чингизхонга қарши сўнги қони қолғунича олиб борган мардона кураши ва мислсиз матонатиде кўна юртимиз ва эркесвар халқимизнинг маънавий қиёфаси муржабас топган.

Орадан қанча замонлар ўтишига қарамай, бу бекиёс жасорат соҳиби халқимиз хотирасида ҳамон мардлик ва фидойилик тимсоли сифатида яшаб келмоқда.

Бу орден Жалолиддин Мангубердидек ўтюррак ва баҳодир аждодларимизга, уларнинг ўлмас жасоратига бўлган ҳурмат-эҳтиромимизнинг яна бир ифодасидир.

Шубҳа йўқки, буюк саркарда бобомиз сиймоси акс этган бу олий мукофот Ватанимиз сарҳадлари, юртимиз тинчлиги, мамлакатимиз мустақиллиги ҳимояси йўлида кўрсатилган мардлик ва қаҳрамонлик намунасини муносиб тақдирлайдиган муқаддас давлат рамзларимиздан бири бўлиб қолади.

Томирларида шундай буюк аждодларнинг қони жўш урган фидойи ва ватанпарвар ўғлонлар кўлида ярақлаб турадиган бу орден боболаримиздан мерос мардлик ва қаҳрамонлик аънавалари, авлодлар ўртасидаги ворисийлик бугунги кунда ҳам давом этаётганидан далолат бериб туради.

(ЎЗА).

## Қалб нидоси

# ОНАНИ ҚАҚШАТГАН АДО БЎЛАДИ

Бир кун энг яқин ҳамкасбларимдан бири титраб, қақшаб шундай деди: — Айтингчи, халқ қарғишига учраган, минглаб оналар унга ўлим тилаётган Тоҳир йўлдошнинг онаси қандай аёл экан?

Бу савол мени ҳам мазаб отига миндирди. Ҳамкасбимга юзланиб юрагимдаги гапни айтдим.

— Ўз ўғли, аниқроғи ватанфуруш фарзандининг ёвузликларидан ўзини қўярга жой тополмаётган, юрак-бағри хун бўлган, уятдан, изтироқлардан бош кўтарая олмаётган бир бечора аёлдир, - дедим.

Бундай деяртганимнинг сабаби мен эл-юрт тинчини бузиб, қимларгадир ювиндихўр бўлиб юрган ватанфуруш Тоҳир йўлдошнинг онаси нолаларини кўп бора эшитганман, афсус-надоматга тўла фикрларини матбуот орқали ўқиганман.

«Фарзандимни ер ютсин, қонхўр Тоҳирга ўлим» дея зор қақшаётган онаизорга қанчалик қийинлигини яқин тушунаман.

Яқинда Чирчиқдаги «Электромасано-

ати» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчиларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Барчамиз Юртимизга суқилиб кирмоқчи бўлган бир гуруҳ террорчиларнинг ёвузликларини қаттиқ қораладик.

Ўзбекистон Президентини, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондонини Ислоҳ Каримовнинг Сароисий ва Узун туманларига ташифи мард аскарлар зобитларимизнинг руҳини янада мустақамлади. Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида Ватан мукофотларига сазовор бўлганлар орасида Сурхондарёнинг тоғларида халқаро террорчиларга қарши мардона жанг қилаётган довурак ўғлонларимиз ҳам бор. Улар ёвни иложи борица тезроқ даф қилиш учун барча имкониятларни ишга солмақдалар. Йиғилишда сўзга чиққан нотиклар бу ҳақда алоҳида тўхталишди. Ўзимча фикр қиламан: Онасини қақшатган, оқ сут бериб воёга этказган инсон қарғишига учраган кимсалар бу дунёда хору зор бўлади.

Х.ҚОСИМХЎЖАЕВА,  
ишчи.

# САККИЗ НАФАР ТЕРРОРЧИ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий тузилмалари томонидан Тожикистоннинг Ашт туманидан Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларига суқилиб кирган халқаро террорчилар тўдаларини қидириб топиш ва йўқ қилиш борасидаги операция амалга оширилмоқда.

Шу йилнинг 28 августиде режалаштирилган махсус операция давомида 15 нафар босқинчидан иборат қуролланган жангарилар тўдаси Чотқол тоғ тизмаси ён бағридан излаб топилди. Тўқнашув давомида 8 нафар террорчи йўқ қилинди, замонавий қурол ва қўп микдордаги ўқ-дори қўлга олинди. Операция давомида чегара қўшинларининг беҳадар йўқолган деб ҳисобланган икки ҳарбий хизматчиси озод қилинган.

Босқинчилар гуруҳининг қолган қисми қуршовга олинди. Террорчиларни йўқ қилиш борасидаги операция давом этмоқда.

(ЎЗА).



## ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ,

**Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси ва Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси**

*Хур Ўзбекистонимиз халқини энг улғу, энг азиз байрамимиз - Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги билан самимий қутлайди.*



**Толеимиз баланд, осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз янада фаровон бўлсин!**




**Шу унутилмас, қутлуғ кунда сизларга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, омад тилаймиз.**



## ФАРҒОНА АЭРОПОРТИ ЖАМОАСИ

*Хаво логистикасини ва барга фуқароларимизни Мустақиллигимизнинг 9 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади.*

**Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги шарафли ишларингизда омад ва муваффақият ҳамиша ёр бўлсин!**



# Саноатимиз кўрקי — Муборак газни қайта ишлаш корхонасининг кўч миллатли жамоаси

Хур Ўзбекистонимиз фуқароларини Мустақиллигимизнинг  
9 йиллик байрами билан чин қалбдан муборакбод этади.



Жонажон юртимизда тинчлик-  
хотиржамлик барқарор бўлсин!

## «MS FOOD PROCESSING Co.»

ЎЗБЕКИСТОН – САУДИЯ АРАБИСТОНИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ



Ўзбекистон халқини энг улуғ, энг азиз байрамимиз билан самимий қутлайди. Жаппатмақон боғ-роғларимизда, поёнсиз далаларимизда етиштирилаётган сархил мевалару сабзавотлардан тайёрланган шербатларни, қиёму мураббаларни, консерва маҳсулотларини таклиф этади.





Шабний иқлим шароитида етиштирилган дармондориларга бой ушбу неғматлардан тайёрланган ажойиб маҳсулотларимиз саломатлигинизни гаровидир.

Манзилимиз: Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 112-уй.



Тел: (8-3732) 24-03-00  
24-38-27

Факс: (8-3732) 24-38-27



«Президент кубоги - 2000»

«ЮНУСОБОД» ЮЛДУЗЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Яна ўн кундан сўнг пойтахтимиздаги мустақам «Юнусобод» теннис мажмуида «Президент кубоги» учун навбатдаги аънавий халқаро турнир бошланади.

Тўққиз кун мобайнида жаҳоннинг энг мохир теннисчилари бош соврин учун кураш олиб борадилар. Зеро, юксак эътироф исботи ўларок, «Президент кубоги» халқаро турнири ўтган йиллар давомида АТР-Тоиг туркумидаги мусобақалар жадвалидан мустақкам ўрин

линаётган мазкур мусобақаларга бу йил ҳар қачонгидан кўра катта қизиқиш билан қаралмоқда. Ҳозирга қадар кўплаб жаҳон теннис юлдузлари турнирда қатнашиш истагини билдиришган.

Хуллас, «Президент кубоги» еттинчи халқаро турнири нихосида ким ғолибу, ким мағлуб бўлишидан қатъи назар ҳар бир иштирокчи кўнглидан ўтган йилги турнир кубоги соҳиби Германиялик Нико-

К.ОЛЛОЁРОВ.

2000 йил — Соғлом авлод йили

ХУШ КЕЛИБСАН, ЭЙ ЖАЖЖИ ИНСОН!

Яқинда бир кадрдон танишим уйимизга ноҳуш кайфиятда кириб келди. Маълум бўлишича унинг рафиқаси ҳомилдор бўлиб, ой кун яқин экан. Бунинг устига аёлнинг бошқа касали ҳам бўлиб, кўзи ёриш чоғида салбий асоратлар қолдириши мумкин экан.

— Жуда бошим қотди-да, - деди у. — Нима қилсам экан? — Ташвишланма, дўстим, — дедим уни тинчлантириб. — Шаҳримизда аjoyиб шифокорлар оз эмас. Ҳозир сен ва рафиқанг билан вилоят акушерлик мажмуида бўлиб ишлар экан, у энг аввало, оналар ва янги туғилган болаларнинг соғлом ўсишлари учун ҳаракат қилди, тинмай изланди.

Билимларини мунтазам ошириб борди. Республикаимизнинг етук мутахассисларидан маслаҳатлар олди ва хориждаги тиббиёт масканларида малакасини ошириб қайтди.

Мана икки йилдики, Дилдорaxon вилоят акушерлик мажмуасининг бош шифокори. 90 ўринга мўлжалланган ушбу мажмуа 1998 йилда қайта қурилиб, ишга туширилди.

Ҳозир ҳашаматли, барча қулайликларга эга бўлган, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ушбу маскан ана шундай турдош шифохоналар орасида республикада олдинги ўринни эгаллаб турибди.

Тугруқхона мажмуида Германиядан келтирилган учта «Кювез» ва «Сируснарқоз» аппаратлари, Жанубий Кореянинг «Охиспенатор» тиббиёт анжони ҳоми-

лдор аёлларнинг кўз ёришида, уларни операция қилиш ва даволашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

ўтказяптилар. Мажмуада «Ёш оналар мактаби» ишлаб турибди. — Бизда, - дейди бош шифокор Д.Рашидова, — ўз касбининг чинакам фидойилари кўп. Улар аёлларимизнинг оғирини энгил қилишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Жамоамиз Сайёра Олимзонова, Гуласал Холбўтаева, Алишер Тўраев каби олий маълумотли шифокорлар, Фароғат Эргашева, Замира Султонова сингари ҳамширалар билан фахрланади. Шу ўринда мажмуа туғруқ бўлими мудираси Мўътабархон Ғиёсованинг малакаси ва маҳоратини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Мўътабархон нафақат мажмуамизда, балки вилоятимизда ҳам таниқли шифокор.

Лавҳамиз бошида эслаб ўтган кадрдонинг муаммоси қандай ҳал бўлди, деб сўрасиз.

Ҳаммаси кўнғилдагидек. Оялада янги фарзанд — қизалоқ туғилди. Ота-она учун бундан ҳам ортиқ бахт борми?

Биз вилоят акушерлик мажмуасидан қайтар эканмиз, қулоғимизга чақалоқнинг «инга-инга»си эшитилди. Яна бир гўдак дунёга келди. Мушаккилгимизнинг тўққиз йиллиги байрами арафасида яна бир оила қувончдан энтикмоқда.


Хуш келибсан, эй жажжи инсон! Қадамларинг истиклолимиз каби қутлуг бўлсин!

Ё.ШАВКАТОВ.

«Нихол»

мукофотининг илк совриндорлари

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва тавсияси билан ёш истеъдод эгаларининг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инобатда олиб, уларнинг мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан кишиларнинг юрагига етиб борадиган, эзгуликка чорлайдиган, ирода ва имон-эътиқодини мустақкамлашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фойдали кўрсатаётган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида, «Нихол» мукофоти таъсис этилган эди. Бундан мақсад халқимиз бағридан етишиб чиқаётган ёш санъат гунаҳарларини ҳар томонлама рағбат-авайлаш, уларнинг истеъдод имкониятларининг тўла рўйга чиқишига кўмаклашиш, ёшлар овозини олам бўйлаб таралишига кенг йўл очиб бериш.



«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ»

кубоги мусобақалари ёш иқтидорларни кашф этди

Маълумки, спортда нуфузли галабаларга ёш иқтидорларни тарбиялаш эъвазига эришиш мумкин. Бунинг учун халқаро майдонларни забт этган, спортимизнинг умидли юлдузлари Рустам Қосимжонов ёхуд Ирода Тўлагановалар мисолида ҳам кўрсатиб бўлади.

14 ёшгача бўлган маҳалла ўсмирлари ўртасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларимизда ташкил этилган «Футболимиз келажаги» кубоги мусобақалари ҳам шу мақсадларни рўйга чиқаришга хизмат қилди, десак адашмаймиз. Турнир маъмуриятининг барча гўшаларида футбол нақадар оммавий спорт тури эканлиги, уни ёшлар қанчалик ардоқлашларини яна бир қарра намойён этди. Зотан, ёзги таътил даврида бўлиб ўтган мусобақаларда жами 6673 та маҳалла жамоалари иштирок этди. Иштирокчилар сони эса 100951 нафарни ташкил этди.

Маҳаллалар, туманлар ва вилоятлараро ўтказилган учта босқич беллашувларидан сўнг энг кучли деб топилган жамоалар Тошкент шаҳридаги «Чифатой» стадионида ярим финал учрашувларини ўтказишди. Унда дастлаб шаҳар ва вилоят босқичлари беллашувларида ўзининг аjoyиб ўйини билан мухлисслар ҳамда мутахассислар эътиборини тортган Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани «Оқ мачит» маҳалласининг шу номдаги жамоаси Фарғона шаҳар «Оқариқ» маҳалласининг «Нафосат» командасини 7:2 ҳисобида энг би финалга йўлланма олди. Иккинчи ўйинда эса Бухоро шаҳри Ф. Хўжаев тумани «Жу-

бор» маҳалласининг «Ёш куч» жамоаси Қашқадарё вилояти Қосон тумани «Пахтазор» маҳалласининг шу номдаги жамоасини қўшимча вақтда 3:1 ҳисобида мағлуб этиб, ҳал қилувчи беллашувда иштирок этиши ҳуқуқини кўлга киритди.

Ўтган шанба кунининг тарбия ва спорт кўм:таси, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва Маҳалла жамғармаси, «Ёшлар» телеканали ташаббуси билан ташкил этилган турнир ғолибларига бош совринлар спортимиз ва футболимиз мутахассислари Баҳодир Махситов ҳамда Зокиржон Қурбоновлар томонидан топширилганлиги ёшларимизга катта рағбат ва куч бағишлайди десак муболаға бўлмайди. Тур-



байрамаона безатилган «Пахтакор» стадионида санъаткорлар чиқишларидан сўнг «Оқ мачит» ва «Ёш куч» жамоалари ғолибни аниқлаш учун майдонга тушдилар. Деярли тенг кучга эга жамоалар ўртасидаги финал беллашуви гоят қизиқарли ва муросасиз кечди. Омад эса «Оқ мачит» футболчиларига кулиб боқди. Биринчи бўлим ўрталарида жамоа ҳужумчиси Дониёр Саидумаров томонидан киритилган гол пойтахтлик ёш футболчиларга галаба келтирди: 1:0. «Оқ мачит»ликларга махсус кўчма биллур кубок, олтин нишонлар ва дипломлар топширилди.

Ўзбекистон Республикаси футбол федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат жис-

Тошмуҳамедов каби таниқли футбол фанрилари кўлларида олишдики, бу ҳам болаларни келгусида юксак галабалар сари руҳлантириши шубҳасиз.

— Маҳалла болалари орасидан иқтидорларни танила олиш мақсадида тажриба тариқасида илк маротаба ўтказилган ушбу мусобақалар, ўйлаيمанки, ўз олдига қўйган мақсадга тўла-тўқис эришди, — дейди биз билан суҳбатда Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси расисининг биринчи ўринбосари Нигматилла ака Абдуллаев. — Деярли ҳар бир маҳаллада футбол жамоаси тузилди. Энг муҳими, жуда кўп ўсмирларимиз ёзги таътил мобайнида бўш вақтларини мазмунли ўтказдилар. Яна шунини айтиш керакки, турнир мусобақалари ўсмирлар, уларнинг ота-оналари, маҳалла оқсоқолларида катта қизиқиш уйғотди. Шу боис ҳам фақат 11—14 ёшли ўсмирлар билан чеклашни керак эмас экан. Келгуси йили 8—11, 12—14 ва 15—16 ёшли ўсмирларни жалб этган ҳолда мусобақаларни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларида турнир жараёнида ўзини кўрсатган энг иқтидорли, талантли ёш иқтидорлар саралаб олиниб, футбол мактабларига имтиёзли асосда қабул қилинадиган бўдилар. Дилшод ИСРОЙЛОВ.

ЯНА БИР ШАРҚОНА БОЗОР

Кейинги йилларда шаҳримиз бозорларини кенгайтириш, харидор ва сотувчи учун қулай шарт-шароит яратиш, қолаверса, бозорларимизни нафақат савдо-сотиқ маскани, балки кўркам бир гўшага айлантириш борасида талаб қилинди. Бугун қўли гул қурувчиларимиз томонидан қуриб битказилган «Олой», «Чорсу», «Отчопар» ва «Фарҳод» бозорлари шарқона меъморчилик намуналарини кўз-кўз қилиб, пойтахтимизда салобат тўкиб турибди. Истиклолнинг 9 йиллиги арафасида улар қаторига «Авиасозлар» бозори ҳам қўшилди.

Бозорни янги лойиҳа бўйича қайта қуриш ишлари жадал олиб борилмоқда. Қурилиши «Сифат» ҳамда «Ал-Бағрис» ишлаб чиқариш бирлашмаси қурувчилари ўз зиммаларига олишган. Бу ерда элликка яқин қурувчилар меҳнат қилишмоқда. Бозорнинг эски майдони 2,7 гектарни ташкил қилган бўлса, таъмирдан чиққач, 5,5 гектар жойни эгаллади.

Шу кунгача қурувчилар томонидан 765 ўринга мўлжалланган кийим-кечак савдо растаси фойдаланишга топширилди. Усти «Отчопар» бозоридаги каби баланд қилиб ёпилган, чироқлар ўрнатилган, тартиб билан қўйилган расталарда савдо-сотиқ авжида. Яна бир шундай 400 ўринли майдонда монтаж ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, бозор маъмурияти биносининг иккинчи қаватида фақат гўшт ва сут маҳсулотлари билан савдо қилинадиган 110 ўринга эга бўлган шохобча ишлар деярли яқунланди.

Бозорга деҳқон қанча кўп қадам ранжида қилса, шаҳар аҳолиси дастурхонини шунчалик тўқин бўлади. Бу бозорлардаги деҳқонларга яратиб берилаётган шарт-шароитларга боғлиқ. «Авиасозлар» бозори маъмурияти бу борада ҳам жиддий иш олиб бормоқда. Аввал чанг ва тупроқ бўлиб ётган майдон ҳозирда асфальт қилинган. 270 ўринга эга бўлган бу шохобча ҳам деҳқонларни қишда ёгин-сочиндан, ёзда қуёш тигидан ҳимоя қилувчи мосламалар билан ёпилди.

Бозоримиз аввал «Паркент» бозорининг филиали бўлган, - дейди «Авиасозлар» бозори бошлигининг муовини Ҳабибулла Ганиев. — Ўтган йилнинг март ойидан ҳиссадорлик жамияти сифатида мустақил фаолият бошлаган бўлсак, апрел ойидан янги лойиҳа бўйича қурилиш ишларини бошлаб юбордик. 11 дарвоза орқали қириладиган бозорда 1135 ўринли жой тайёр. У тўлиқ ишга тушса, ўринлар сони 2000 тага етади. 550 ўринли машиналар тўхташ майдонини тайёрлаб қўйганмиз. Усмонжон ЙҮЛДОШЕВ.



Қутлаймиз!

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўққиз йиллиги арафасида Ватан мукофотларини олишга мушарраф бўлганлар орасида газетамизнинг Наманган вилояти бўйича муҳбири Обиджон ЖУМАНА-ЗАРОВ ҳам бор. У мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохотлардаги фаол иштироки, ёш авлод онгига миллий истиқлол ғояларини сингдириш, уларни Ваганга, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссаси учун «Шухрат» медали билан тақдирланди. Биз ҳамкасбимизни юксак мукофот билан чин дилдан қутлаб, унга узоқ умр, сийхат-саломатлик ва ижодий парвозлар тилаймиз.

«Ишонч» газетаси таҳририяти.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли тугвоҳнома берилган. IBM компьютерларида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14.002 нусха. Сотувида эркин нархда. «Шарқ» нашриёт — матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти 21.00 Топшириди 23.55